Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 11 май, сешанба • № 55 (24.450).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Сен доимо қалбимдасан, жигарим»

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлган, юртимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган барча фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам эл-юртимиз обрўйини юксалтиришга, ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни ҳурматлаш мақсадида бу йил республикамизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланди. Бу — Йўлбошчимизнинг нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга ғамхўрлик ва иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасидаги хайрли ишларининг яна бир намунасидир.

Шу боис Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бирламчи вазифаси, мамлакатимиз фуқароларининг маънавий бурчига айланди.Ушбу қутлуғ сана шарофати билан минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, совға-саломлар улашилди.Энг муҳими, уруш дахшатларини кўрган, истибдод зулмини тортган ва истиқлол кунларига етишган фахрийлар билан мулоқотлар маънавиятимизни бойитмоқда, уларнинг ҳаётий тажрибаси Ватанимиз буюк келажагини яратишда беқиёс руҳий мадад эканлигини намоён этмоқда.

Президентимизнинг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан амнистия эълон қилиш тўғрисидаги Фармонининг эълон этилиши ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказида Хотира майдони барпо этилди. Халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган бу майдон миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Жанггоҳларда ҳалок бўлган, истиқлол йўлида жон фидо айлаган ватандошларимиз исмлари ёзилган лавҳалар ҳар бир инсоннинг қалбида «Ўтганлар ёди — муқаддас» деган азалий ҳақиқатни уйғотади.

Майдон марказидаги Мотамсаро она ҳайкалида қайғу юрагини ўртаётган, аммо ўз фарзандини умрбод қалбида сақлайдиган ўзбек аёли сиймоси гавдалантирилган. Ҳайкал пойидаги «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзлари онанинг, бутун халқимизнинг дил изҳоридир.

9 май куни мамлакатимиз пойтахтидаги Хотира майдонининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уруш ва меҳнат фахрийлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари жанг майдонида ва меҳнат жабҳасида жасорат кўрсатган халқимизни Хотира ва Қадрлаш куни билан чин қалбдан табриклади. Йўлбошчимиз ўтганларни ёдга олиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш халқимизга хос азалий фазилат эканлигини таъкидлади. Бу қутлуғ санада асрлар давомида ҳуррият ва озодлик йўлида жонини фидо айлаган халқ қаҳрамонларини, миллатимиз фидойиларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Мотамсаро она ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари қурбон бўлган эл-юрт ўғлонлари номлари ёзилган лавҳаларни кўздан кечирди, фахрийлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз бу муқаддас масканга республикамизнинг барча вилоятларидан, узоқ-яқин жойлардан зиёратга келувчиларга етарли шароит яратиш, нуроний отахон ва онахонларнинг сафарларини давлат ҳисобидан ташкил этиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Тантанали маросимда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди.

Шу куни кеч соат 21 да Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан артиллерия тўпларидан 21 марта ўқ узилиб, байрам салюти берилди ва мушакбозлик ўтказилди.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА мухбири

Хотира чироғи ўчмайди

Президент Ислом Каримовнинг Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни — жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу қутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик?

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки оғиз айтиб ўтсам.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва Қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу-жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзуният қилиб, интилиб келгани — ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хотира ва Қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва ибратли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бугунги Хотира ва Қадрлаш кунида мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиламан.

Муҳтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта ғоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда «номаълум аскар» деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю унинг номи номаълум бўлса!

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби, унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку! Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?!

Биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай, иншоолло!

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, фарзандлари доғида қадди дол бўлган Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру- зулмларни, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, айни пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир.

Инсон боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни беғараз меҳри билан улғайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қонқонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она-Ватан, Ватан — Она демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она Ватанга аталгандир.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзлари миллатимизнинг, халқимизнинг қурбон бўлган фарзандларига чексиз эҳтиромини англатиб, қалбларимизда доимо акс садо бериб туради.

Мангу олов теграсига зикр этилган «Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту-саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир» деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик ва мустақиллигимиз учун курашиб жон фидо этганлар хотираси юракларимизда абадий яшашини англатади.

Азиз ватандошлар!

Биз мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад — кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз.

Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу муаззам обидани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилган қурувчи ва усталарга, меъмору-муҳандисларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

Шундай хайрли ва олижаноб ишга ҳиссам қўшилганидан мен ҳам ғоят бахтиёрман.

Азиз юртдошларим!

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларимиз бахтини кўриш насиб этсин.

9 май — пойтахтдаги Хотира майдони.

Владимир ПАНОВ олган сурат

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Фаоллик руҳида

Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайлов конференцияси ХДП аъзоларининг катта фаоллигида ўтди. Ижроия бюро фаолияти ҳақидаги маъруза ва унинг муҳокамаси жараёнида, иқтисодий ислоҳотлар шароитида корхонанинг фаолиятини қайта ташкил этиш, мамлакат қишлоқ хўжалиги олдида турган улкан муаммоларни ҳал этишга елкадош бўлиш, меҳнат жамоасининг кўпмиллатли аъзоларини ҳамжиҳатлик, иноқлик ва биродарлик руҳида тарбиялаш, хусусан, ёш авлодни ватанпарвар, меҳнатсевар, фидойи инсонлар этиб шакллантиришга ҳисса қўшиш каби, кўпгина масалалар кўтарилди, уларнинг ечимини топишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар айтилди. Корхона аҳли ишлаб чиқариш соҳасида 1998 йил топшириқлари ва жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи режаларини ортиғи билан бажарган бўлса-да, жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётганлиги ва шу жабҳадаги изланишлар борасида ҳам рўй-рост гапирилди, ХДП аъзолари ушбу муаммоларни ҳал этишда ўз ўринларини топишлари, ташаббускор бўлишлари даркорлиги таъкидланди.

Бошланғич партия ташкилоти ижроия бюросининг янги таркиби, Ҳамза туман партия кенгашига вакиллар ҳамда туман партия конференциясига делегатлар сайланди. Давлат Саидов корхона бошланғич партия ташкилотининг котиби этиб қайта сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов сўзга чиқди, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Тараққиёт йўлидаги тўсиқлар»

Мақолада кўрсатиб ўтилган нуқсонлар, хато ва камчиликлар вилоят ҳокимлигида, туманларда атрофлича муҳокама қилиниб, чуқур ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хоразм вилояти халқ ноибларининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тўхталиб: «Кейинги пайтларда вилоятда кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режасини бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда» деб таъкидлаб ўтган эди.

Вилоятда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича ўрганиб чиқилди ва бундай хато-камчиликларга йўл қўйган тегишли ходимларга нисбатан аниқ чоралар кўрилди.

Вилоятдаги статистика ҳисоблари тўғри юритмаганлиги учун вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг биринчи ўринбосари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шу билан бирга туманларнинг статистика бўлим бошлиқларига нисбатан ҳам қонун бузилиш факти, яъни ҳисоботларни юритишда йўл қўйган хато ва камчиликлари юзасидан жиноий иш қўзғатилган ва ҳозирги вақтда айбдорларга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган.

Вилоятда статистика ҳисоботларини тўғри юритиш, қилинган ишларга чуқур таҳлилий баҳо бериш бўйича ҳар бир корхона ва ташкилот ҳамда хўжалик раҳбарлари, туман ҳокимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1999 йил 26 мартда Хоразм вилояти халқ ноибларининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтган аччиқ, лекин ҳақиқий танқидий фикр ва мулоҳазаларидан хоразмликлар тўғри хулоса чиқариб, бундан кейинги иш фаолиятида мавжуд салбий ҳолатларга чек қўядилар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари
Ж. СУЛТОНОВ

«Суюнчисиз қолган қувончлар»

Боёвут тумани прокуратураси томонидан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1999 йилнинг 13 март куни чоп этилган «Суюнчисиз қолган қувончлар» номли мақоласи юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Боёвут туманидаги Т. Латипов номли ширкатлар уюшмаси раиси Ш. Исмоилов ва бошқа мансабдор шахсларнинг айби билан ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш чораларини кўрмаганликлари ҳамда шу ширкатлар уюшмасида ишловчи Набиева Хадичанинг 10982 сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанига қадар қолган иш ҳақи ва суюнчи пуллари ўз вақтида берилмасдан турганлиги маълум бўлди ва текшириш жараёнида ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўрилиб, фуқаро Набиева Х. нинг 10982 сўмлик иш ҳақи ва суюнчи пули тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Туман прокуратураси томонидан Т. Латипов номли хўжалик раиси Ш. Исмоилов ва бош ҳисобчиси Х. Омонлиқовларнинг ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганликлари ва фуқаро Набиева Хадичанинг ишлаган иш ҳақини ва суюнчи пулини олишда сансалорликка йўл қўйганликлари учун уларга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш борасида иш қўзғатилиб, қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси
Т. ХАЙТАЛИЕВ

Шу сонга қўш хабар

Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори:

— Фахрланамиз. Мамлакатимиз барча соҳада илдам кетяпти. Ўзбек санъати жаҳон билан юзлашаяпти. Нафақат пойтахт, балки вилоятлар театрларида ҳам юксак савиядаги саҳна асарлари яратилаяпти.

Яқинда асримизнинг буюк адиби Чингиз Айтматовнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан дунё бўйича халқаро театрлар фестивали ўтказилди. Анжуман «Чингиз Айтматов ва театр» деб номланди.

Фестивалда Қарши шаҳрининг «Эскі мачит» театр студияси саҳналаштирган «Найман она нидоси» саҳна асари энг яхши спектакль деб топилди. Гран При совриндори бўлди. Бу қувончли ҳол ўзбек санъатининг довруғини оламга ёйиш билан биргаликда, истиқлолга эришган юртимизда ижод аҳлига ўз имкониятини дунёга намоён қилиш учун барча шароитлар мавжудлигидан далолат беради.

— Адолатли жамиятда, инсонпарварлик ғоялари илгари сурилаётган Ватанда яшаяпмиз. Аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини Президентимиз асосий устувор йўналишлардан бири қилиб белгилаган. Бу тамойил Олий Мажлис XIV сессиясида яна бир бор таъкидланди. Юртбошимиз ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши лозимлигини уқтирдилар.

Бугун мамлакатимизда пенсия таъминоти бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ. Пенсия пули ойма-ой тарқатилаяпти. Қариялар ва ногиронлар интернатларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун жойларда алоҳида дастурлар ишлаб чиқиляпти.

Кечаги байрамимиз юртимиз бўйлаб чиройли ва файзли ўтди. Ўтган авлодлар хотираси ёдга олиниши асносида ёрдамга муҳтож кишиларга давлатимиз томонидан иззат-эҳтиром кўрсатилди. 50 минг нафардан ошиқ уруш қатнашчиси ва ногиронларига пул мукофоти берилди. 300 дан зиёд ногиронлар аравачаси, 600 га яқин эшитиш мосламаси, 600 дан ортиқ қўлтиқ-таёқ тарқатилди.

Айтиш мумкинки, Инсон улуғланган жамиятда ўсиш ва тараққиёт баравж бўлади.

Озодахон АБДУЛЛАЕВА, Республика ижтимоий таъминот вазирининг биринчи ўринбосари:

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Ҳамманинг ўз ўрни бўлсин

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти нафақат вилоятнинг, балки мамлакатимизнинг энг йирик тўқимачилик корхоналаридан биридир. Минглаб ишчиларнинг энг фидокорлари — ислоҳотларнинг жонкуярлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларидир. Корхона бошланғич партия ташкилоти, ўз сафидаги 500 дан зиёд аъзосига таяниб, кенг қамровли фаолият кўрсатаяпти. Корхона маҳсулотига хориждан харидорлар бисёр. Бултур 21,1 минг тонна ип-калава, 98 миллион квадрат метр тайёр газлама, 7 миллиард 586 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсиш суръати 103 фоизни ташкил этди. Ёки режада белгиланганидан 132 миллион сўмлик кўп халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги ҳар бир ишчи ҳисобига 961 минг сўмга тўғри келди.

Оила йилида корхона олган соф фойдасидан кам таъминланган оилаларга 5,7 миллион сўм моддий ёрдам берди. Болалар боғчаларига, соғломлаштириш, спорт муассасаларига эса 103 миллион сўм сарфланди. Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан 42 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.

Партия ташкилотининг нуфузи ошиб бормоқда. Бу эса ёшларнинг ЎзХДПга бўлган хайрихоҳлигидан маълум. Ҳар ойда ўнлаб ёшлар ўз тақдирларини ЎзХДП билан боғлаяптилар.

Яқинда 511 партия аъзоси ҳисобот-сайлов йиғилишига тўпланганларида партия ташкилоти котиби, ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси Муҳиддин Бозоров бу рақамларга алоҳида урғу берди. Партия ташкилоти фаолияти, корхона ҳаётидаги қусурларга ҳам тўхталди.

— Тайёр маҳсулотнинг омборда туриб қолаётгани, хорижий сармоядорларнинг корхона билан яқин алоқада бўлишини таъминлашдаги сусткашлик, ёшлар тарбиясидаги бўш занжир ўрнини тўлдириш, маънавиятни юксалтириш борасидаги ҳаракатларни янада уйғунлаштириш — ҳамма-ҳаммасида партия аъзоларининг муайян масъулияти бор, — деди у. — Буни унутмаслигимиз керак.

Сўзга чиққан Субҳиддин Баротов, Шобия Нарзиева, Мубин Муҳиддинов ва бошқалар ҳозирги кўп партиялилик шароитида сайловлар ва уларда ўз вакилларимизнинг бўлишини таъминлашга эришиш лозимлигини уқтирдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Жўшқинлик — иш ривожи

ЎзХДП аъзолари Андижон тиббиёт билим юрти бошланғич партия ташкилоти ҳисобот-сайлови йиғилишига анча барвақт келганликлари бу ерда тартиб-интизом билан иш тутилаётганини кўрсатади. Мажлис белгиланган вақтда бошланганлиги уни янада мустаҳкамлади. Билим юрти бошланғич партия ташкилоти котиби А. Одилов ҳисоботга замон ва партиявий талабларга амал қилган ҳолда, тайёргарлик кўрганлиги яққол намоён бўлди. Нотиқ педагогик жамоа, ёшлар тарбияси, малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида жўшқинлик билан фикр юритди. Бошланғич партия ташкилотининг ҳозирги долзарб вазифаларини бажаришдаги ўрнини аниқ мисоллар билан ифода қилди.

— Ёшларни жисмонан бақувват, маънан баркамол тарбиялаш доимий вазифамиз бўлиб турибди, — деди билим юрти жисмоний тарбия муаллими Т. Шеров. — Соғлом авлод келгусида малакали мутахассис, меҳнатда эса ибрат бўлади.

Йиғилишда сўз олган билим юрти директори Ҳамза Маҳмудов Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш ҳар бир муаллиму устоздан сидқидилдан иш юритишни тақозо этаётганини таъкидлаб, бу борада бошланғич партия ташкилоти изчиллик асосида фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтди. Вилоят болалар шифохонасининг бош ҳакими С. Имомова, ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши биринчи котиби Ш. Ҳайдаров, талабалар Ш. Мамажонова, У. Мухторовалар ҳам кўнгилларидаги кўпчилик манфаатини кўзлаган фикрларини дадиллик билан баён этдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП хабарлари

Фахрийларга иззат

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари учун Қувасой шаҳридаги сўлим оромгоҳда дастурхон ёзди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган отахон ва онахонлар бир пиёла чой устида ўтмиш хотираларини эсладилар, мамлакатимизнинг бугунги кунига шукрона айтдилар.

Фурсатдан фойдаланиб ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби А. Эгамбердиев фахрийларга эсдалик совғаларини топширди.

Учрашувда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г. Маъруфова иштирок этди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Иш якунлари кўрилди

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда шаҳар партия кенгашининг иш фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, партия ташкилотининг 1998 йил бюджети бажарилиши якунлари ва 1999 йил бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда навбатдаги конференцияни чақириш тўғрисидаги масалалар кўрилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Каттақўрғон шаҳар кенгашининг биринчи котиби Тоҳир Ҳамидов маъруза қилди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муаммо ва ечим

Ғозғонга газ келди

Юртбошимиз халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида шу масалага эътиборни қаратган эди.





Нурота шаҳрини чашмалар диёри дейишади. Яна бир муҳим жиҳати, бу тоғли ўлкадаги ҳар бир қишлоқ, хоҳ у Деҳибаланд, хоҳ у Ғазғон, хоҳ у Эски, Ажрим, Оқтепа бўлсин ўз тарихи, ўз солномасига эга. Бироқ бу қишлоқлар шарт-шароити, оралиқ масофаси билан тубдан фарқ қилади. Юртбошимизнинг аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасидаги Фармони бошқа шаҳар ва туманларга нисбатан Нуротада қийин кечаётганининг сабаби ҳам шунда.

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташаббускор аёл Л. Ҳожиева сўз олиб, нуроталиклар истагини юртбошимизга етказди. Эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, деб шуни айтсалар керак-да! Юртбошимиз эътибори, чинакам ғамхўрлиги сабаб ўта хайрли ишга қўл урилди. Республика марказлашган маблағи ҳисобидан бу улкан бунёдкорлик ишига 128 миллион сўм ажратилди. Натижада тоғу тош, яйловлар оралаб, 18 километрга ўрта босимли газ қувурлари тортилди. Шуниси қувончлики, бу жуда қисқа вақт ичида атиги 2 ойда ниҳоясига етказилди. Монтаж ва пайвандлаш ишларида Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятлари қурувчилари фидойилик кўрсатишди. Айниқса, «Ўзбекгазқурилиш» трести ҳузуридаги Баҳодир Каримов бошлиқ 2-кўчма механизациялашган колонна ҳамда Бухоро хўжалик ҳисобидаги пайвандлаш участкасига қарашли Исмат Кароматов бошлиқ 3-механизациялашган колонна ишчи-хизматчилари жонбозлик қилишди. Шунингдек, қурилишда вилоят газлаштириш идорасининг Келдиёр Ашуров прораблик қилаётган участка пайвандчилари жасорат намуналарини намойиш этишди.

Мармарчилар масканига газ келиши муносабати билан йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда вилоят ҳокими Ғайбулла Дилов сўзга чиқиб, ғозғонликларни чинакам байрам билан муборакбод этди. Қишлоқ аҳли, ишчи ва хизматчилар ўзларига яратилаётган қулайликлардан миннатдор эканликларини билдиришди. Юртбошимизнинг юксак ғамхўрлигига жавобан ғозғонликлар ўзлари тайёрлаган эсдалик совғаларини етказиш учун вилоят ҳокимига топширишди. Шунингдек, қурилишда матонат кўрсатган қурувчиларга, газ пайвандчиларга қимматбаҳо совғалар ҳам берилди.

«Ғозғон»да машъала гуриллади ва шу куниёқ 70 та хонадонда эзгуликнинг сертафт олови ёнди. Бу ҳали ишнинг бошланиши. Шу йил охиригача яна 92 километрли ички йўналишлар бўйича газ қувурлари тортиш, яқин орада 7 минг аҳоли оғирини енгил қилиш вазифалари бажарилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мустақилликни шарафловчи китоб

Халқимизнинг асрий орзуси истиқлолга эришганимиздан кейин маданий ва адабий меросимизга эътибор ҳар қачонгига қараганда кучайди. Ўтмишдаги улуғ аждодларимиз, истиқлол йўлида фидойилик кўрсатган алломаю адибларимиз ҳаёти ва ижодига оид материаллар мисқоллаб йиғилиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этила бошлади. Айниқса, сталинизм даври қурбонлари бўлган улуғ шоир, олим ва ёзувчиларимизнинг инсоний ва ижодий қиёфаларини тўлақонлик очадиган ёрқин тадқиқотлар яратиш, уларнинг асарларини бугунги кун талаблари асосида одилона баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилса атоқли адабиётшунос Аҳмад Алиевнинг «Истиқлол ва адабий мерос» китоби таҳсин ва эътиборга сазовордир. Жонкуяр ва фидойи олим Аҳмад Алиев қарийб олтмиш йилга яқин вақтдан бери қатағон даври шоир ва ёзувчиларининг ижоди билан узлуксиз шуғулланиб келади. Қийин шароитларда ўттизинчи йиллар адабиётининг мураккаб масалаларини ёритишга бел боғлаган, адабиётимизнинг буюк сиймоси Абдулла Қодирий ҳақида илк маротаба йирик тадқиқот яратиб жонбозлик кўрсатган ҳам шу олимдир. Аҳмад Алиевнинг «Абдулла Қодирий», «Ижод ва изланишлар», «Адабий мерос ва замонавийлик» сингари китобларининг ҳар бири ўз даврида адабиётшунослик фанимизда муҳим воқеалар бўлган, адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортган, турли баҳс-мунозараларига сабабчи бўлган эди.

Мамлакатимизнинг нуфузли газета ва журналларида эълон қилинган 300 га яқин мақолаларининг деярли барчаси қатағон даври шоир ва ёзувчилари ҳаёти ва ижодига бағишланганлиги олим шу давр адабиётининг ўткир билимдони ва изчил тадқиқотчиси эканлигидан далолат беради. «Истиқлол ва адабий мерос» китоби Аҳмад Алиев томонидан ҳозирги пайтгача эълон қилинган барча асарларининг синтези сифатида майдонга келди. Унда олимнинг Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Ғози Юнус, Элбек, Боту сингари улуғ ижодкорларимиз ҳаёти ва ижодий йўллари тўғрисидаги адабий портрет ва тадқиқотлари жамланган. Муҳими шундаки, илгарилари эълон қилиниб, эндиликда китобга киритилган мақолалар ҳам тубдан қайта ишланган, давр тазйиқлари остида айтишга мажбур бўлинган ёхуд замонасозлик қилиб билдирилган мулоҳазалардан тозаланган. Деярли барча мақолаларга бугунги кун талаблари, истиқлол даври мафкураси нуқтаи назаридан ёндошилган.

Китоб — содиқ дўст

Фитрат ва Абдулла Қодирий тўғрисидаги адабий портретлар китобнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Маълумки, кейинги йилларда Бегали Қосимов, Ҳамидулла Болтабоев, Илҳом Ғаниев сингари таниқли адабиётшунос олимлар Фитрат ҳаёти ва илмий мероси тўғрисида диққатга сазовор тадқиқотлар яратдилар. Бу ишларда кўпроқ Фитратнинг илмий ва драматургик мероси тадқиқ этилади. Аҳмад Алиев асарида эса кўп қиррали ижодкорнинг ҳаёти ва мероси яхлит ҳолда таҳлил қилинган, санъаткор, адиб ва олимнинг ёрқин адабий портрети яратилган. Фитратдек улкан ижодкор ҳақидаги асарлар жуда оз эканлиги эътиборга олинса олимнинг хизмати кенг ўқувчилар оммаси учун ғоят аҳамиятли эканлиги уз-ўзидан аён бўлади.

«Абдулла Қодирий» тадқиқоти шубҳасиз китобни безаб турган асарлардан биридир. Шундай бўлиши ҳам табиий. Зеро, олим бу мавзу устида қирқ йилдан ортиқроқ вақтдан бери муттасил изланиб келмоқда. Муаллиф бу асарида Қодирий тўғрисида аввалроқ эълон қилинган ишларида йўл қўйган айрим хато ва чалкаш фикрларни мардона тан олади, таҳлилни янада чуқурлаштиради, кўпгина асарларни тамомила янгича талқин этади. Натижада атоқли ёзувчининг ҳаётий йўли, серқирра ижоди, энг муҳим асарлари теран таҳлил этилган, унинг бўйбастини кўз ўнгимизда яққол гавдалантирадиган, буюк санъаткорлигини исботлайдиган изчил тадқиқот, қимматли адабий портрет юзага келган. Мазкур асар шубҳасиз адабиётшунослигимизда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган ўнлаб ишларнинг энг салмоқлиларидан биридир. «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон» мақоласи ҳам янги фикрларга, асл мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Адабиётимиз, умуман олганда эса бутун маданиятимизнинг улкан намоёндалари Беҳбудий, Ғози Юнус, Элбек, Боту тўғрисида ҳанузгача салмоқли китоблар, йирик тадқиқотлар яратилмаганлиги кўп сонли китобхонлар оммаси халқимизнинг асл фарзандлари бўлган бундай фидойи инсонлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ҳар қандай янги сўзга муштоқлиги Аҳмад Алиев китобига қизиқишни янада кучайтиради. Мазкур китобга кирган мақолалар қатағон даврининг кўпгина шоир ва ёзувчилари тўғрисидаги тасаввурларимизни анча бойитади, 20-30 йиллар адабиётининг манзарасини тўлароқ тасаввур этишимизга кўмаклашади, давр адабиётининг талай мураккаб масалаларига ойдинлик киритади, яқин ўтмишимиздаги ўнлаб улкан санъаткорлар ҳаёти ва ижоди билан қизиқувчиларга бой материал беради.

Тўпламга киритилган мақолаларда айрим маромига етмаган мулоҳазаларнинг учраши, баъзи қайтариқлар, баҳсли фикрларнинг мавжудлиги, 20-30 йиллар ўзбек адабиёти тўғрисидаги китобнинг хулоса қисмида фақат Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти хусусида сўз юритилиши сингари камчиликлар китобнинг аҳамиятини камайтирмайди.

Меҳнаткаш, тиниб-тинчимас фидойи олим Аҳмад Алиевнинг «Истиқлол ва адабий мерос» китоби сўнгги йилларда ўзбек адабиётшунослиги қўлга киритган муҳим ютуқлардан бири, мустақилликни шарафловчи ва унинг шарофати билан ёзилган асардир десам хато бўлмайди.

Раҳматилла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари номзоди

Тоғ гиёҳи — мўъжиза!

Собиқ иттифоқ даврида Москвага дардига дармон истаб борган беморга шифокор шундай дебди:

— Тоғларда ўсадиган гиёҳлардан тановвул қилинг. Тузсиз. Табиатнинг буюк табиб эканлигига ишониш керак.

Бу ибратли гапни Бахмал туманидаги тоғ қишлоқларида яшовчи аҳоли ҳали ҳам гапириб юрадилар. Мутахассис назари билан қарасангиз бу ерларда минг дардга даво бўладиган гиёҳлар, ўсимликлар жуда кўп. Фақат улардан шифокор билан маслаҳат қилган ҳолда фойдаланиш керак. Бу борада Бахмал тумани марказий дорихона жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

— Туманимиздаги «Жумжум» қишлоғида тажриба учун ер бор, — деб ҳикоя қилади дорихона ходими Мухтор Имомов. — Ўн йилдан бери фаолият кўрсатаётган бу ҳудудга мутахассислар келишиб юзлаб хил доривор ўтларни йиғадилар. Бу ҳамкорлик бизнинг дорихонамизга амалий ёрдам бўлаяпти. Олимлар билан биргаликда ишланган 20 хил табиий гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар, қайнатма ва дамламалар туманимиз шифохоналарида кенг қўлланилмоқда. Дорихонада Болгариядан келтирилган дори тайёрлаш асбоб ускуналари мавжуд. Улар буюртма асосида хоҳлаган гиёҳдан дори тайёрлаб беради.

Дорихона жамоасига доривор гиёҳларни тўплашда кенг жамоатчилик, ўрмон хўжалиги ходимлари яқиндан ёрдам бераяптилар, Ҳар йили 2 тонна наъматак, кийик ўти, тоғрайҳон, далачой, арслонқуйруқ, андиз, ялпиз, қўнғирбош ва бошқа ўнлаб тур гиёҳлар мутахассислар назоратида белгиланган муддатида йиғилиб, дорихона орқали сотилаяпти. Бу жамоага катта иқтисодий фойда келтиради. Шу ҳисобдан дорихона биноси қурилди, асбоб-ускуналар сотиб олинди. Беморларга хизмат кўрсатиш қўламини яхшилаш тадбирларини амалга оширадиган қулайликлар яратиш имкони туғилди.

— Табиий ўтлардан тайёрланган дори салбий асоратларини қолдирмайди, — дейди дорихона раҳбари Раҳмон Ҳотамов. — Ҳозир баҳор... Халқимизнинг соғлиғи учун доривор ўтларнинг аҳамияти чексиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Дилтортар суҳбатлар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил қилинган «Элим деб, юртим деб ёниб яшайлик» ижодий гуруҳи қатнашчилари Урганч давлат университети, Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалиги, Гурлан туманидаги касб-ҳунар коллежи, «Вазир» жамоа хўжалигида ва Шовот, Янгиариқ туманларида бир қатор учрашувлар ва қизиқарли давра суҳбатлари ўтказдилар.

Гуруҳ қатнашчилари республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмунини атрофлича тушунтириш, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш бўйича суҳбатлар ўтказиб, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшмоқдалар.

Х. БОБОЖОНОВ,
Урганч давлат университети проректори

Маҳорат, шижоат, тажриба

Республика «Ҳавас» теннис мусобақаси якунланди

Ўтган дам олиш кунлари унутилмас ва бетакрор воқеаларга бой бўлди. Юртимизда биринчи марта Хотира ва Қадрлаш кунининг нишонланиши ёшу қарининг кайфиятини кўтариб юборди. Шу муносабат билан бир қанча спорт тадбирлари ҳам уюштирилди. Хусусан, Тошкентда номлари ҳамон ҳурмат билан тилга олинадиган футболчилар ҳамда «Пахтакор — 79» ўйинчиларини ёд этишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Кейин майдонга кексайиб қолган фахрий тўп тепиш усталари тушдилар. «Жасорат» ёдгорлиги атрофига эса анъанавий югуриш иштирокчилари тўпландилар. Улар 5, 6 километрга югуришда маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Жума куни бошланган анъанавий «Ҳавас» теннис турнири иштирокчилари эса якунловчи баҳсларини шанба куни ўтказдилар.

Маълумки, биринчи куни 10 гуруҳда қарийб 40 нафар теннисчи ўртасида саралаш учрашувлари бўлиб ўтганди. Гуруҳ ғолиблари эртасига ҳал қилувчи учрашувларда қатнашиб мукофотли ўринларга даъвогарлик қилишга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун 24 жуфтликни 8 гуруҳга бўлишга тўғри келди. Финалчиларни аниқлаш учун бошланган баҳсда теннисчиларнинг маҳоратлари, тажрибалари ошиб қолганлиги кўзга ташланди. Улар тўп учун курашиш, ҳужумга ўтиш ва қарши ҳужумни ўрнига қўйишда профессионал спортчиларни эслатдилар. Муҳими, баҳс иштирокчиларининг дил сўзларида «Ҳавас»га бўлган ихлос сезилиб турарди:

Г. САИДОВА,
Республика Вазирлар Маҳкамаси таҳлилий-ахборот бошқармаси бошлиғи:

— Бу йилдан ҳавасчилар қаторига аёлларнинг ҳам қўшилгани бу мусобақага қизиқиш ортиб бораётгандан нишонадир. Спорт — бу ҳаёт, саломатлик. Муҳими соғлом авлодни тарбиялашда муҳим воситадир. Хотин-қизлар бундай баҳсларга кўпроқ жалб этилса айни муддао бўларди.

Т. ЖАББОРОВ,
Наманган вилояти ҳокими:

— Аввало шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу сафарги мусобақа ҳар йилгига қараганда юксак савияда ташкил қилинган. Теннисчилар эса ғолиблик йўлида астойдил беллашиб, маҳоратларини намойиш этишга ҳаракат қилишаётгани кўриниб турди.

А. НОСИРОВ,
Самарқанд шаҳар ҳокими:

— Мусобақанинг ҳал қилувчи босқичига чиқолмаган бўлсамда, мамнуният ҳосил қилдим. Муҳими, теннисга бўлган муносабат ўзгаряпти. «Ҳавас» ошуфталари сафи кенгаймоқда, теннис оммавийлик касб этмоқда. Шаҳримизда ҳозир 5 мингдан ортиқ теннисчи кичик тўп ўйинларида иштирок этмоқда.

Шундай қилиб, А. Миржалилов билан Ю. Колесниченко, М. Усмонов билан О.Носиров, И. Чиженок билан Р. Сулаймонов, Т. Жабборов билан В. Дербеневлардан иборат жуфтликлар ярим финалчиларни ташкил қилишди. Финалда эса Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов билан унинг тренери В. Дербенев жуфтлиги «Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси М. Усмонов ҳамда Наманган вилояти «Тусар» қўшма корхонаси раҳбари О. Носиров жуфтлигини доғда қолдириб, ғалаба қозонди. «Ҳавас» кубоги ғолибга тантанали равишда топширилди. Шунингдек, ҳомийлар ва газеталар таҳририятлари таъсис этган совринлар ҳам ўз эгаларини топди.

Ҳайдар НОСИРОВ

***

Суратда: совринларни топшириш маросимидан лавҳа.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 11 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	78,09	10 Люксембург франки	31,17
1 Австрия шиллинги	9,14	1 Малайзия рингити	30,70
1 Англия фунт стерлинги	190,69	1 Германия маркаси	64,29
10 Бельгия франки	31,17	1 Польша злотийси	29,92
1 Голландия гульдени	57,06	1 СДР	158,45
10 Греция драхмаси	3,86	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	16,94	1 Финляндия маркаси	21,15
1 БАА дирхами	31,76	1 Франция франки	19,17
1 АҚШ доллари	116,64	1 Швейцария франки	78,29
1 Миср фунти	34,13	1 ЕВРО	125,75
10 Испания песети	7,56	10 Жанубий Корея вони	0,97
100 Италия лираси	6,49	10 Япония иенаси	9,67
1 Канада доллари	80,03	1 Россия рубли	4,85
1 Хитой юани	14,09	1 Украина гривнаси	29,72

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Архив — ҳужжатлар салтанати...

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида шоир Хуршид Давроннинг бир шеърини ўқиган эдик. Унда қизиқ бир туйғу акс эттирилганди. Шеърнинг номи шундай: «Тарихчи ҳақида достон»

Тарихчи кўр эди ва унинг қизи
Ҳаммаёқ сиёҳга ғарқ бўлмасин деб,
Бўм-бўш сиёҳдонни унинг олдига
Келтириб қўярди саҳармардондан.
Тарихчи кўр эди. У билмас эди.
Сиёҳдони қуруқ, тинмай ёзарди,
Ёзарди Ватанин тарихини у —
Мен бугун излайман ўша китобни.
Оппоқ варақларнинг қатини титиб...

Ўша пайтлардаги тасаввуримиз билан ушбу шеърнинг асл моҳиятини англай олмаган эдик. Қизиқ, гўё бу шеърда кечаги кунларимиздан ҳам кўра бугунги кунларимиз ўз аксини топгандай кўринади.

Архив эшиклари очиқми?

Архив сўзининг луғавий маъноси нима? Архив (р<лат)1 эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, тизимлаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса. Давлат архиви.

Демак архивларда, йиллар давомида бой тарихимиз тўпланган. Ҳаққоний тарихни яратишда, архив хизматини, унинг ролини сўз билан ифода этиб бўлмайди. Бизнинг барча назарий фикрларимиз, ўзининг амалий хулосасини шу ерда, яъни архивда, унда сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлигида топади.

Маълумки, ўтмишга айланган актлар,тарихий хат-хабарлар, шахс, жамият ва улар тўғрисидаги холис ёки нохолис ҳужжатлар йиғиндиси маълум замон ичра макон муассасаларида яъни, архивларда сақланади. Энди ҳозир шу томошагоҳни тезроқ намойиш қиладиган палла. Эртага кеч бўлади. Чунки «залдаги зериккан томошабинлар» фақат овутишдан иборат саҳнани ҳам, саҳна ортини ҳам кўриши керак. Улар кўзига қачонгача парда тутилади. Оқ ҳукумат, қизил ҳукумат, янги тарих, ўтган замон ҳақидаги ҳамма фикрларни ҳатто чет давлатлари ўз матбуотида бериб бормоқда-ку. Ҳатто ўзимиз ёритишга бурчли маълумотларни айрим ҳолларда қайсидир хорижий нашрларда учратиб ҳайрон бўламиз. Чунки замонлар келиб янги авлод хоҳласак- хоҳламасак, аждодлар тарихи ҳақидаги маълумотларни, биз худди Амур Темурнинг хорижий давлат арбоблари билан қилган ёзишмаларини энди ўрганаётгандек, улар ҳам билиб олишади.

Архивга ким хўжайин?

Узоқ йиллар халқнинг кўзидан яшириниб келинган ҳужжатлар қачон халққа қайтарилади. Умуман бу савол ҳамиша кўндаланг туради.

Бугун биз хотиржам, юзимиз ёруғ бўлиши учун нима қилмоғимиз керак? Шунда айни замон кишиларининг айни вақтдаги саъй-ҳаракатини маълум маънода қаҳрамонлик деб аташ мумкин. Тарихни ўрганиш, ўтган кунлар ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрда? Уларга кенг йўл очиб бериляптими? Биз шу хусусда ёзувчилар, тадқиқотчи муаррихлар, давлат архиви ходимлари билан суҳбатлашдик.

Қаҳрамон Ражабов (муаррих, тадқиқотчи):

— Давлат архивларида асосан Туркистон ўлкасининг Чор Россияси томонидан босиб олинган даври, яқин ўтган Қизил империя даври ҳужжатлари бор. Тарихчиларга кенг йўл очиб, ҳатто архив ходимлари биз билан ҳамкорлик қилса. Ўзбекистон бу соҳада катта ютуқларга эришади. Мана ман деб қалам қайраб турган тарихчиларимиз қанчадан қанча. Фақат уларга имкон бериш керак, холос. Кейин архив ходимлари тадқиқотчилар учун яхши шароит яратиб бериши керак. Масалан, тадқиқотчи ҳужжатларни ўқув залидагина фойдаланиб қолмай, нусха кўчириб олиб уйида ҳам ишини қилса бўлади-ку. Ваҳоланки, тадқиқотчи уни барибир тадқиқ қилади. Агар илмий ёки тарихий маълумотларни элга етказувчилар ўзларига наф ололмасалар у ерга архив ходимларининг нима кераги бор?!

Шу ўринда тадқиқотчилар учун енгиллик мақсадида архивлар компьютерлаштирилса, фойдадан ҳоли эмас.

Набижон Боқий (ёзувчи):

— Собиқ Иттифоқ даврида партия архивлари ҳозир йўқ. Ўзимизнинг давлат архивларига кириш, ҳужжатлардан фойдаланиш осонлашди. Шахсан мен ёзилаётган асарим учун жуда кенг миқёсда ҳужжатлардан фойдаланаяпман. Архивчилар мен талаб қилаётган нарсани топиб беришади. Улар билан яхши ишлайман. Дарвоқе, уларда касб касалликлари бўлади. Шунга қараб бу муассаса ходимларига бир оз имтиёз ҳам белгилаш керак.

Шаҳрибону Ҳамроева (СамДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси тадқиқотчиси):

— Мен Самарқанддаги давлат архивида кўп йиллардан бери кузатув ишларини олиб бораман. Лекин бугунги кунда архивлардаги ҳужжатларнинг сақланиши талаб даражасида эмас. Бугун барча соҳаларга компьютер машиналар кириб келди. Бу кўплаб ходимларнинг қўл меҳнатини енгиллаштиради. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, баъзи бир керакли ҳужжатларни вилоят архивларидан топиш имкони йўқ. Бундай вақтда ишдан ажралган ҳолда қанча иқтисодий, маънавий қийинчиликлар билан республика давлат архивига боришга тўғри келади. Бу эса кўплаб қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу ҳолатлар Интернет тизими орқали, Тошкентдан ёки республикамизнинг бошқа вилоятларидан олиниб, қандайдир дақиқа, соатлар ичида буюртмачига узатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Азмиддин Носир (СамДУ ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедраси тадқиқотчиси):

— Халқ тарихи, миллат тақдири, ҳаққоний равишда ўрганилиши учун ҳеч қандай тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, тадқиқотчи холис бўлиши керак. Тарихий жараённи бир ёқлама талқин қилиш ҳолатларидан эҳтиёт бўлиш зарур.

Эркин Абдуллаев (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви директори):

— Бизга келадиган тадқиқотчилар тобора камайиб кетаяпти. Ким бўлишидан қатъи назар шу биз-юзимиз ёруғ бўлиши учун нима қилмоғимиз керак? Шунда айни замон кишиларининг айни вақтдаги саъй-ҳаракатини маълум маънода қаҳрамонлик деб аташ мумкин. Тарихни ўрганиш, ўтган кунлар ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрда? Уларга кенг йўл очиб бериляптими? Биз шу хусусда ёзувчилар, тадқиқотчи муаррихлар, давлат архиви ходимлари билан суҳбатлашдик.

Журналист мулоҳазалари

нонинг эшигини қоқиб келувчиларга йўл очиқ. Марҳамат, кирсин, ҳужжатлардан фойдалансин. Ҳозир фойдаланмаса, эртага кеч бўлади. Ишхонасидан ўзи ҳақида маълумотнома олиб келсин. Ишхонаси йўқ бўлса, майли, бизга ариза билан мурожаат қилсин. Қўлимизда шунча манба туриб, ундан ҳеч ким фойдаланмаяпти. Манбаларимизга эътибор кам. Баъзи бир ҳужжатлардан тадқиқотчилар илтимос қилса, нусха кўчириб беришимиз мумкин.

Шунингдек, ташкилотлардан бизга олиб келинган ҳужжатлар архивимизга қўйилгач, у энди бизнинг ихтиёримизда, халқнинг ихтиёрида бўлиши керак.

Хулоса ўрнида

Юқорида келтирганимиз, шоир Хуршид Давроннинг тарихчи ҳақидаги достони кишини ўйга толдиради. Бугун тарихчининг олдига «бўм-бўш» сиёҳдонни қўйишни авлодлар кечирмайди. Бугун тарихчи олимга архивда сақланаётган ҳужжатлардан бемалол фойдаланишга имконият яратилиши керак.

Келажак авлодлар, шоир айтган, «оппоқ варақларнинг қатини титиб» ўтмасликлари учун ҳам, бугун ҳақиқий тарихни яратиш йўлида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим деб билганим учун уларга шу талабни қўймоқдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар». Бу савол бугун барчамизнинг виждонимизни уйғотмоғи шарт.

Бугун тадқиқотчининг йўлига тўсиқ қўйишга, унга турли хил баҳоналарни рўкач қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ватан мустақиллиги берган эркин фикр айтиш, кузатув олиб боришга халақит бериш бу давлат сиёсатига қарши бориш билан тенг. Тадқиқотчи рухсатнома олиш учун кетадиган вақтини ҳам илмга сарфласин.

Эртага келажак авлодларимиз биз яратган ҳаққоний тарихни ўқиб, ўсиб-улғайишлари керак. Тарих улкан тушунча. Тарихни яратиш улкан заҳматлар эвазига бўлади. Келажак авлодларнинг эҳтиромига сазовор бўлиш учун бугун фидойилик билан меҳнат қилиш зарур.

Президентимиз «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур» деганлар.

Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО,
Шукур ЖАББОР,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Эҳтиром

Устозлар ўгити эм бўлди

Болаларнинг севимли ёзувчиси Неъмат Тошпўлат бирон йиғин ёки маросимда сўзга чиқса «Мен хотин-қизлар номидан гапираман» деб гап бошлардилар. Билганлар Неъмат ака «Ўзбекистон Хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналида ишлайди, шундай гап бошлашга ваколатли дейишарди. Шу одам нафақага чиқиши олдидан синчков, етти ўлчаб бир кесадиган, чертиб-чертиб ходим танлайдиган Зулфия опанинг назари Олимжон Ҳакимовга тушиб қолди. Ўшанда Олимжон ака «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида безакчи муҳаррир бўлиб ишларди. Унинг устози Мирлатиф Миртемиров эди. Мирлатиф ака ўз касбининг устаси бўлганидан ҳарфдан гул ясовчи ҳаттот номини олганди. Олим ака ана шу устозлардан бу сеҳрли касбнинг сир-асрорларини ўрганиб, оғизга тушиб қолганди.

— Мен опанинг қабулида бўлганимда аввалига эсанкираб қолдим, — деб эслайди Олимжон ака. — Укам сиз отахон газетада ишлаб, пишиб қолгансиз. Журналда ўз тажрибангизни ишга солиб, шакл-шамойилини ўзгартириб, безагини қотирсангиз бас. Устозингизга айтаман, ёрдам бериб турадилар. — Ҳўп деб қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Журналга ишга ўтсам ҳам газетадан умидимни узолмасдим. Бир кун Мирлатиф ака «Олимжон ўғлим, сен Зулфиянинг назарига тушганингдан суюнавер. Бу аёлга хизр назар қилган, кам бўлмайсан, кўнглингни бузмай, ишга киришавер. Мен ваъда бердим, ёрдамимни аямайман. Маслаҳатлашиб ишлай берамиз. Худо хоҳласа яхши бўлади», деди.

Устозларнинг нафаси эм бўларкан. Олим ака бир неча йил опа билан журналда ишладилар. Опа бош муҳаррир, ўз касбининг билимдони. Салоҳ Ҳасан масъул котиб. Олимжон ака безакчи муҳаррир.Сарлавҳаларни ранг-баранг ҳарфларда териш, жимжимадор чизиқларни шунга яраша ишлатилиши, ҳатто расмларни танлаб чиздирилиши анъанага айланди. Хуллас, журнал безаклари киши кўзини қувонтирарди.

Олимжон ака Зулфия опадан кейин Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева каби сўз усталари билан бирга ишладилар. Кам бўлмадилар, ҳукуматимизнинг қўша-қўша мукофотларига сазовор бўлдилар.

Олимжон аканинг яна бир хислатлари бор: у доимо эл хизматида.. Матбуотчиларнинг бирон йиғини, тўйи, маросими ёки маъракаси Олимжон акасиз ўтмайди. Одам кутишга уста бўлиб кетган бу инсон ҳамманинг кўнглини бирдай ола билади. Ҳамиша кўли кўксида.

Олимжон Ҳакимовни кўплар устоз дейишади. Бунинг ҳам боиси бор. У киши кўплаб шогирдларни тарбиялаб йўлга солиб юбордилар. Шулар қаторида камина ҳам бор.

Юнус ЗИЁДОВ

Сиёсий шарҳ

Шарқий Тиморда референдум ўтказилади

Шарқий Тимор масаласи бўйича БМТ шафеълигидаги Индонезия — Португалия музокаралари якунланди. Учрашувда Португалиянинг собиқ мустамлакаси бўлган бу оролнинг мақомини белгилаш борасида референдум ўтказиш шартларини ўзида акс эттирган битим имзоланди.

Жануби-шарқий Осиёни қамраб олган молиявий инқироз Индонезия иқтисодиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Бўҳрон ўзи билан бирга мамлакатга жиддий сиёсий беқарорликни ҳам бошлаб келди. Айниқса, Индонезиянинг Шарқий Тимор вилоятидаги вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди. Орол мустақиллигини талаб қилаётган айирмачилар ва уларга қарши бўлганлар ўртасидаги тўқнашувлар кўплаб тинч аҳолининг қурбон бўлишига сабаб бўлди.

Шарқий Тиморда тартибсизлик ва зўравонликлар кучайиб кетгач, вазиятни назорат қилиш Жакарта маъмурияти учун кўп қийинчиликлар келтириб чиқарди. Натижада жорий йилнинг февралида мамлакат ҳукумати оролга кенг мухторият мақомини беришга тайёрлигини, агар бу таклиф рад этилса, унга мустақиллик берилиши ҳам мумкинлигини маълум қилди. Албатта, ҳукуматнинг ён босиши орол мустақиллиги тарафдорларини янада фаоллаштириб юборди. Натижада вазият ўнгланмас даражада ўзгара бошлади ва бу ҳол БМТни можарони ҳал этишга жиддий аралашишга мажбур этди. Шундай қилиб, Индонезия ва Португалия ҳукуматларининг БМТ шафеълигидаги музокаралари бўлиб ўтди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан икки мамлакат ўртасидаги музокараларнинг олға силжишига катта ҳисса қўшди. У можаро тинч йўл билан ҳал этилиши лозимлигини кўп бор таъкидлаганди, референдум борасида битим имзоланиши бу саъй-ҳаракатлар зое кетмаганидан далолатдир. Музокаралар якунига бағишланган матбуот анжуманида ҳам Бош котиб маҳаллий сиёсий етакчиларни барча зўравонлик ҳаракатларидан тийилишга, референдум ўтказишда БМТнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шарқий Тимор масаласи бўйича Индонезия ва Португалия ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган битимда оролда барча қуролли тўқнашувларнинг тўхтатилиши ва тинчлик ўрнатилиши кўзда тутилган. Ҳужжатда референдум шу йил 8 август куни ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, унда мазкур тадбирни ўтказиш ва унга ҳозирлик кўриш жараёнида хавфсизликни сақлаш бўйича ҳам зарурий чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Таъкидланганидек, оролда тинчлик ўрнатилиши учун БМТ катта ишларни амалга ошираяпти. Референдумни ташкил этиш ва ўтказиш ҳам бевосита мана шу нуфузли халқаро ташкилот кузатувчилари раҳбарлигида бўлиб ўтади.

Анвар КАРИМОВ. (ЎзА)

Чўл ўртасида меҳмонхона

Франциялик машҳур кинорежиссёр Клод Лелюшэнди ўз иқболини бизнесда синаб кўрмоқчи, яъни Исроилнинг Негев саҳросида жуда ҳашаматли меҳмонхона қурмоқчи. Мазкур меҳмонхона ўрта асрлар ҳаётига оид — «Минг бир кеча» эртагида таърифланган руҳда бўлиб, туркча ҳаммом, боғу роғ, шарқираб сув оқувчи канали, обсерватория ва кутубхоналар ҳам қад ростлайди.

Кимсасиз чўлдаги меҳмонхонада тунашни хоҳловчилар шаҳардан у ерга таксиларда ё ўзининг шахсий машиналарида эмас, балки туялар карвонида боришади. Негаки, туялар карвони кетма-кет қатнаб, шаҳар билан меҳмонхонани боғлаб туради.

Бу гапларнинг бари ҳозирча Клод Лелюшнинг орзуси холос. У қачон амалга ошади, қачон сайёҳлар унинг туяларида меҳмонхонасига бориб, ўрта аср ҳаётидан баҳраманд бўлишади, буни вақт кўрсатади. Ҳозирча лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Оила

Тақдир тақозоси

Маҳбус — «Оскар» совриндори бўлса-я?!

38 йил қамоқхонада ўтирган, бир вақтлар ўлим жазосига ҳукм қилинган ва кейинчалик жазо умрбод қамоқ муддати билан алмаштирилган маҳбуснинг телефильми «Оскар» мукофотига тақдим этилди

АҚШнинг Луизиана штати фуқароси бўлмиш қора танли Уилберт Райдо 1961 йили босқинчилик йўли билан банкка ўғирликка тушган ва унинг уч хизматчисини гаровга олиб, банкни ўмаришга уринганди. Ўшанда гаровга олинганлардан бири қочишга улгуриб қолади, унинг орқасидан отилган ўқ тегмайди. Яна бири бўйнидан ўқ ейди ва оғир шикастланади, учинчиси эса аёл эди. Райдо унинг бўйнига пичоқ тортиб юборади. Бироқ полициядан қочиб қутулолмайди. Ўшанда суд уни ўлим жазосига — электрли стулда қатл этишга ҳукм ўқиганди.

Бироқ АҚШда ўлим жазосига ҳукм қилинганлар узоқ вақт ўлим кунини қамоқхоналарда кутиб ётади. Буни Райдо яхши биларди ва шунинг учун ҳам вақтни бекорга ўтказмади: ўқиш ва ёзишни ўрганди. Шунингдек, ўйлаб фикр юритишни ҳам. Аввал ақл билан эмас, балки ички туйғу буйруқларига бўйсунган ҳолда, кўр-кўрона яшаганлигини ҳатто ўзи ҳам тан олади.

У ўқиш-ўрганиш натижасида ўз қобилиятининг янги қирраларини очади: репортёрлик истеъдоди шаклланади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Америка қамоқхоналаридаги маҳбуслар кўпнусҳали ўз газетасини чиқариш имкониятига эга. Ўша пайтда Луизианадаги ушбу қамоқхонада «Анголайт» деган газета чиқарди. Бироқ Райдо унга ишга жойлашолмайди. Негаки, таҳририят штатларида фақат оқ танлилар эди, қора танли Райдога эса ўрин беришмайди.

1972 йили АҚШ Олий суди Уилбертнинг ҳукмини умрбод қамоқ жазосига алмаштиради. Шундан сўнг Уилберт «Лайфер» («Умрбод маҳбус») деган ўзининг шахсий газетасини очади. Бундан ташқари озодликдаги газеталар учун ҳам қамоқхона ҳаёти ҳақида тинмай ёзадиган бўлди ва бу мақолалар албатта чоп этилар, ношир ҳамда газетхонлар томонидан қизғин мутолаа қилинарди. 1976 йили уни «Анголайт»га муҳаррир этиб тайинлашди. Ўшандан кейин «Анголайт» ҳам мазмунан, ҳам техник безатилиши жуда ўзгариб кетди ва охир оқибат икки ойда бир чиқадиган катта журналга айланди.

Бугунги кунда 57 ёшли Райдо Америкада анча таниқли одам. «Тайм» журнали, «Нью-Йорк таймс» газетаси журналистлари ундан интервью олиб, босишган. «Лайф» журнали эса унинг ғаройиб тақдири ҳақида бутун бир саҳифа чоп этади. Бир телекўрсатувда ҳатто «ҳафтанинг машҳур кишиси» дея мақтайди. Райдо телевидение билан ҳам ҳамкорлик қилади. Унинг қамоқхонадан тайёрлаган кўрсатувлари доим мукофотлар билан тақдирланади.

Бироқ шунча «яхши баҳолар» ҳам унинг гуноҳини сал бўлса-да енгиллатишга, «хаспўшлаш»га имкон беролмайди. Шунинг учун ҳам Райдо қанчалик ишламасин, барибир бошқа маҳбуслар қатори соатига 20 цент ҳақ олади, бундан ташқари қамоқхона ҳудудида фақат соқчи назорати остида юради. Унинг гуноҳидан ўтиш борасидаги барча расмий илтимосномалар рад этилмоқда. 1962 йили қамоқхонага у билан тенг келган 31 жиноятчининг барчаси ҳозир муддатларини ўтаб, озодликда юрибди. Бироқ у...

Қамоқхона маъмурияти шуни яхши билишадики, ҳозир Райдо 38 йил аввалги Райдо эмас — оғир-босиқ хислатли бошқа одамга айланган, шу важдан улар маҳбусни авф этиш борасида Луизиана губернаторига тавсиянома жўнатишган. Аммо шу давр мобайнида тўрт марта алмашган губернаторларнинг бирортаси ҳам Уилберт ҳақидаги тавсияномага қўл қўйишмаган. Унинг делоси билан танишган аввалги губернатор Эдвин Эдварс 1996 йили ўз хизмат вазифасидан кета туриб 89 қотил маҳбусни авф этган, бироқ сочларига оқ оралаган Райдони кечирмади.

Бундан бир ой аввал Райдода озодликка чиқиш учун яна бир умид учқуни туғилгандек бўлди: ўлим жазосига маҳкумлар ҳақидаги унинг телефильми Америка киноакадемияси томонидан «Оскар» мукофотига тавсия этилди. Шу воқеанинг ўзиёқ маҳбус учун катта мукофот. Агар фалакнинг гардиши бир айланиб, «Оскар» Райдога насиб этиб қолса борми, уни қамоқхонада ортиқ ушлаб туролмасди, ҳозирги губернатор. Лекин ундай бўлмади. Энди яна бир йил — кейинги «Оскар»ни кутишга тўғри келади.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли тайёрлади.

Тўй баҳона кундошлар ҳам учрашишди

Алла Пугачёванинг 50 йиллик тўйи бўлиб ўтганидан кўпчилигимизнинг хабаримиз бор. Ҳа, нима бўпти, одатдаги тўй-да, бизларда бўладигандек, дейишингиз мумкин. Лекин ундай дейишга шошилманг. Бизда бунақаси бўлмайди.

Гап шундаки, Аллани табриклаш учун тўйга унинг собиқ эрлари — жаноб Орбакас ҳам, жаноб Болдин ҳам ташриф буюришди. Албатта, бу тўйга Алланинг ҳозирги турмуш ўртоғи, таниқли қўшиқчи Филипп Киркоров бошқош бўлди. Шундай қилиб уч кундош тўйда учрашишди.

Дарвоқе, тўйга фақат Алланинг иккинчи собиқ эри жаноб Стефанович келмади, холос.

Музлар эриб бормоқда

Бугунги кунда сайёрамизнинг иссиб бораётганлиги ҳақидаги гаплар янгилик эмас. Бироқ шундай бўлса-да, олимлар яна бир воқеани кузатишиб, башариятни бу офатдан яна бир бор огоҳ этишни лозим топишди. Қисқаси, коинотдаги сунъий йўлдошлардан олинган суратлар шуни тасдиқламоқдаки, Антарктидадаги «Ларсин — Б» ва «Уилкс» деб номланган улкан муз бўлаклари кутилмаган тезликда эриб бормоқда.

Ўтган йили бу музликларнинг умумий майдони уч минг квадрат километрни ташкил этган холос. Бу деган сўз кейинги 10 йилда ушбу музликлар шунча квадрат километрга эригани билан изоҳланади. Демак, аҳвол шу даражада давом этадиган бўлса, яна 10 йилдан сўнг... Шунинг учун олимлар эндиликда музликларни асраб қолиш йўлида бош қотиришмоқда.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

СЕШАНБА 11

1 TV

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Рақс, рақс, рақс...».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 45-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Чилангар Кова». Бадиий фильм.
12.05 «Маънавият» дастури.
12.45 «Мактублар–кабутарлар».
12.55 «Вашингтонда бир кун». Хужжатли фильм.
13.10 Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги намунали оркестрининг концерти.
13.40 «Ёшликми ёки бебошлик?»
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 11-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.35 «Солиқ ва назорат»
18.55 «Шеър ва шуур».
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Кўк сув дарёси бўйлаб». Премьера .
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Маърифатнома».
21.45 «Ҳаёт гули». Мусиқий дастур.
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 9-10 серия-лар.
Спорт дастури:
23.10 «Футбол майдонларида».
23.25 Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.55 «Ахборот».
00.25 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
Телесериал. 45- қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Марду-майдон».
19.50, 20.20, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ватан манзаралари».
20.45 «Сиз севган хонанда: Умида Мирҳамидова».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.45 «Мутолаа».
22.00 «Мусиқий лаҳзалар».
22.10 «Парламент».
22.25 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 Синема. «Ҳаётини хавф остига қўйиб».
00.20 «Ҳайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Ёшлар ҳудуди».
22.10 Спорт оламида.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 «Кинонигоҳ».
01.40 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Вақт хазинасидан».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Олти оқ қуш». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.50 «Сегун».Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время»
20.35 Мерос. «Бу ҳам кино». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Истеъдод».1-қисм.
21.45 «ТВ - 4 да Немис тўлкини».
22.00 «Вести»
22.30 Киносеанс: «Севимли Ража». Бадиий фильм .2-серия
23.40 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 12

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.00 «Меҳригиё».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.40 «Юксалиш».
«Умид» намойиш этади:
10.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.40 «Мен билган , билмаган дунё»
*
12.05 «Мус-ринг». Мусиқий дастур.
12.45 «Ватанпарвар».
13.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 9-10 серия-лар.
14.10-14.25 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Орзули олам бу».
18.30 «Мулкдор».
18.50 «Ранглар жилоси».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 12-қисм.
22.15 «Саньатим-саодатим». Мусиқий дастур.
22.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 46-қисм.
23.35 «Ахборот».
«Тунги ҳамроҳ».
00.05 «Ғазалхон ёшлигим».
00.25 «Қулғу терапияси».
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Келинг танишайлик», Мультомоша).
18.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Вашингтонда бир кун».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози».
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.00 Эълонлар.
20.35 «Рақслар қанотида».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Танишинг: «Бўстон» гуруҳи.
21.55 «Каталог».
22.05 «Мусиқий лаҳза».
22.10 «Эркин фикр».
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Олис сафарлар иштиёқида». Япония.
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Ичингдаги душман».
00.45 «Хит-коллекция».
01.05 Хайрли тун!

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Ҳалфана».
18.25 «Глинка -44».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 Миразиз куйлаганда. Фильм-концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Менинг Тошкентим». Муаллифлик кўрсатуви.
22.15 Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.35 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.50 «Оҳанглар ва эълонлар.
00.00 «Кинонигоҳ»,
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.20 «Хайрат маликалари».
11.40 Болалар учун. «Севимли созим».
12.05 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 «Зиё».
12.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.15-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 12-қисм.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Сени Ватан кутади».
18.25 «Тўртинчи хокимият».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 , 22.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Онажонимни соғиндим». М. Тўхтасинов.
22.15 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм 11-12 серия-лар.
23.05 «Самон йўли».
23.35 «Кинонинг минг бир олами».
23.55 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
Телесериал. 46-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 24.00 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Ёшлик формуласи».
20.40 «Мусиқий глобус».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Обид-шоу».
22.20 «Давр»-интервью.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги финали. «Парма» (Италия) — «Олимпик» (Франция)
00.05 Синема. «Вақтинчалик котиба».
01.30 «Ҳайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 «Дардингизга даво...».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 Дилрабо тароналар.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Жаҳон спорти.
23.50 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ,
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Рапалстин». 1-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Эслашлари учун...» Олег Даль.Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
18.50 «Сегун».Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос. «Бу ҳам кино». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Истеъдод».2-қисм.
21.40 « Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Сандра Буллок «Тармоқ» фильмида
00.20 «Ахборот» (рус тилида) 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 14

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Мусиқий дастур.
9.05 «Зийнат».
9.25 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Спортчилар сулоласи».
10.50 «Кодекс».
11.10 «Мунис чеҳралар».
11.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 «Озод юрт одамлари».
12.20 «Сомон йўли».
12.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм.11-12 серия-лар.
14.10 -14.30 «Шарқ тароналари».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.45 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назорат».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 13-қисм.
22.15 «Баркамол авлод орзуси».
22.40 Санъат усталарининг концерти.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.
01.00-01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
Телесериал. 46-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 24.00 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Ёшлик формуласи».
20.40 «Мусиқий глобус».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Обид-шоу».
22.20 «Давр»-интервью.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги финали. «Парма» (Италия) — «Олимпик» (Франция)
00.05 Синема. «Вақтинчалик котиба».
01.30 «Ҳайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 «Дардингизга даво...».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 Дилрабо тароналар.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Жаҳон спорти.
23.50 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ,
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Рапалстин». 1-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Эслашлари учун...» Олег Даль.Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
18.50 «Сегун».Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос. «Бу ҳам кино». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Истеъдод».2-қисм.
21.40 « Кино сайёраси».
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», Мультомоша)
18.35 Хужжатли кино бисотидан: «Маҳмудхўжа Бехбудий».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида».
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20,25, 23,05 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Саломат бўлинг».
20.50 «Кўнгил наволари». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.25 «Шарқ оҳанглари».
22.40 «Спорт ҳафтаномаси».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Бўрилар орасида».
02.00 «Мунаввар тонг истаб».

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Спорт оламида».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 «Саодат калити».
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00-14.25 «Ёшлар ҳудуди».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.20 Ёкимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саодат калити».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.50 «Тунчироқ». Дам олиш дастури.
00.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ» .
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «ТВ - 4 да Немис тўлкини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Рапалстин». 2-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 «Клип-антракт»
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сихат -саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони»
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос. «Бу ҳам кино». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Самовий десант». Фантастик фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 15

1 TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Кўзгу».
10.25 «Очиқ дарс».
10.45 «Соғлом-авлод учун».
11.05 «Бахтиёр Холхўжаев куйлайди». Фильм-концерт.
11.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.55 «Дилларни шод этиб».
12.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.05 «Санъат дўстликка чорлайди».
14.05-14.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 13-қисм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашуви. «Ўзбекистон» — «Қозоғистон». Танаффус пайтида-Болалар учун «Фламинго».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кишлоқ ҳаёти».
21.25 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.25 «Огаҳий қадамжолари».
22.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.15 «Мусиқий саёҳат».
23.35 «Регтайм». Бадиий фильм. 1-серия.
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 45-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
11.00 «Ракурс».
11.25 «Биринчи мўъжиза».
11.40 «Марду-майдон».
12.00 Муножат Тешабоева куйлайди.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 «Меҳр кўзда». 1-қисм.
13.25 «Кинотақдим».
13.45 Эски альбомдан.
13.50 «Рақслар қанотида».
14.10 «Ширин орзулар».
14.30 «Мусиқий лаҳза».
14.35 «Санам».
14.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
15.00 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.45 «Ҳаёл».
16.05 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («У ким, бу нима», Мультомоша)
18.35 «Дилбарим».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.10 Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Хуш келибсиз».
21.55 «Матбуот».
22.10 «Ёр ишки». Мусиқий дастур.
22.20 «Сир».
22.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
22.45 «Мусиқий лаҳзалар».
22.55 «Телевикторина».
22.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Ишқий мактублар».
00.45 «Сенинг вақтинг».
01.05 «Хайрли тун!»

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.30 «Муаллиф».
11.00 Болажонлар экрани.
12.35 «Янги ой чиққан кеча».
12.55 «Бева Бланка». Телесериал.
13.40 «Мисли гавҳар».
14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Немис шарҳи».
14.45 Дилором наволари.
15.00-16.40 «Кинонигоҳ».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Қонун ҳимоясида».
18.30 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 «Катталар учун эртак».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар
00.15 «Кинонигоҳ».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 Кинематограф: «Тармоқ». Бадиий фильм.
11.15 «Жонли сайёра».
11.30 «Салом ешлар!»
11.50-12.05 «Замонавий дизайн».
17.00-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.15 «Биргаликда куйлаймиз».
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.30 РЖТ премьераси Е.Петросян. «Романслар...» спектаклида.1 қисм.
22.00 «Дил изҳори».
22.10 «Бу ажиб дуне»
22.25 Кинематограф: «Жағлар». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Клипомет».
00.55 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 16

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид « намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим-ринг».
11.40 «Болалигим — пошшолигим».
12.00 «Шоҳруҳ клуби».
12.30 «Ёзувчи ва замон».
12.50 «Висол онлари». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.05-15.30 «Эл тинчлиги йўлида».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 21.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома»(рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
22.00 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.
«Аср мўъжизаси».
Кинодастури.
22.15 Кино янгиликлари.
22.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
22.50 «Регтайм». Бадиий фильм. 2-серия.
01.30 -01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
10.25 «Инглиз тили Сиз учун».
10.50 «Ёшлар» телеканалида.
10.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 46-қисм.
11.50 «Лаззат».
12.10 «Меҳр кўзда». 2-қисм.
13.00 «Рамаяна». Телесериал.
13.35 «Саломат бўлинг».
13.55 «Баҳс».
14.25 Танишинг: Дилшод Шометов.
14.40 «Цирк, цирк, цирк».
15.00 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
15.05 «Маслаҳат».
15.35 «Ўзбекистон қанотлари».
15.50 «Мусиқий лаҳза».
15.55 Синема.
17.20 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
17.40 «Якшанба-болалар учун».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи гўзал»)
18.35 «Очун». Буюк Ипак йўлларида.
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Бир жуфт кўшиқ».
19.40, 20.20, 23.20 Эълонлар.
19.45 «Рамаяна». Телесериал.
20.25 «Дунё ҳафта ичида».
20.45 «Клип-антракт».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 Каталог.
21.35 «Синфдош».
22.05 «Икки дил таронаси».
22.15 «Миллионлар уйини».
22.35 «Мусиқа салтанати».
22.55 «Чироғи ёниқ уй».
23.15 «Ёшлар» телеканалида.
23.25 Синема. «Жеки ва Хейд».
00.55 «Тонг юлдузи!»

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.50 «Бир аёл тарихи».
10.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.55 «Эл аро инсон азиз».
11.15 Болажонлар экрани.
12.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.05 «Бева Бланка». Телесериал.
13.50 «Дурдона».
14.15 «Етти иқлим оҳанглари».
14.25 Санъаткор ижоди. «Ибрат».
14.45-16.45 А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Спорткент».
18.35 «Ишдаги ишқ ёки...».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Ватан — муқаддас саждагоҳ».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Етти иқлим оҳанглари».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 Театр билан учрашув:
1.»Камертон».
2. Э.Самандаров, С.Ҳайитбоев. «Башорат». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театр спектакли.
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эрталарнинг сехрли олами».
10.25 «Парле ву франсэ?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар мукофоти совриндорлари».
11.20 Кинематограф: «Буржуазиянинг камтарона жозибаси». Бадиий фильм.
13.00 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.10 -14.05 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Маврид».
16.30-17.35 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.40 «Тенгдошлар».
Россия жамоат телевидениеси.
18.00 Сильвестр Сталлоне жангари «Хилватда» фильмида.
20.00 «Время».
20.30 РЖТ премьераси Е.Петросян. «Романслар...» спектаклида.2-қисм.
22.15 «Миозик-холл».
22.35 «Кинопрофи».
23.00 Якшанба кинозали.
00.40 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.10 Тунингиз осуда бўлсин!

«ЁҒМОЙТАМАКИСАНОАТ»

уюшмасиға қарашли

«РАВШАН»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси



Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан аждодлар хотирасини ёд этади.

Ҳар бир хонадондан тинчлик, оилавий тотувлик, бахт-саодат, файз-барака аримаслигини истайди.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг буюк келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

Миробод туманидаги «Отаюрт» масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилди.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Ҳамро» фирмасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли беқор қилинади ҳамда шу фирма **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
*Наманганда —